52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номини бериш тўғрисида»ги 2017 йил 4 майдаги ПҚ–2950-сон қарорига илованинг «Комиссия аъзолари» бўлими еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мирзаев Р.Э. — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари — чегара қўшинлари қўмондони».

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 3 июндаги ПҚ–3031-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

21-позиция чиқариб ташлансин;

«Амалга ошириладиган тадбирлар» устунида:

20-позициядаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг»

сўзлари «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

22 ва 32-позициялардаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

27 ва 82-позициялардаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

30 ва 36-позициялардаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти» ва «олимпия захиралари коллежлари» сўзлари тегишинча «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети» ва «ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

31 ва 33-позициялардаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ҳамда институт ҳузуридаги» сўзлари «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига ҳамда» сўзлари билан алмаштирилсин;

35, 39, 44 ва 71-позициялардаги «Олимпия захиралари коллежлари» сўзлари «Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

13, 14 ва 19-позицияларнинг «Молиялаштириш манбалари» устунидаги «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ижро учун масъуллар» устунидаги:

7, 10, 11, 15, 18 — 22, 25, 27 — 58, 60 — 68 ва 72 — 82-позициялардаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

13, 14, 24, 26, 70 ва 71-позициялардаги «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» ва «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари тегишинча «Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси» ва «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

69-позициядаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти» сўзлари тегишинча «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» ва «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси**
**ТАРКИБИ**

1. Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, *Республика комиссияси раҳбари*

2. Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, *Комиссия раҳбарининг ўринбосари*
3. Раматов А.Ж. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси, *Комиссия раҳбарининг ўринбосари*, *Ўзбекистон бокс федерацияси раиси*
4. Абдухакимов А.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, *Комиссия раҳбарининг ўринбосари*
5. Бакиев З.А. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош консультанти
6. Исроилов Ш.Х. — Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири
7. Ахмаджанов У.М. — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти
8. Усмонов М.З. — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси фахрий президенти
9. Сафоев С.С. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари, *Ўзбекистон регби федерацияси раиси*
10. Мирзаев З.Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, *Ўзбекистон эшкак эшиш федерацияси раиси*
11. Холмуродов С.Р. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси
12. Отажонов Н.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
13. Нарбаева Т.К. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, *Ўзбекистон велоспорт федерацияси раиси*
14. Иноятов Р.Р. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, *Ўзбекистон теннис федерацияси раиси*
15. Куранбаев К.К. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси
16. Муродов О.Б. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, *Ўзбекистон кураш федерацияси раиси*
17. Бобожонов П.Р. — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, *Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясига масъул*
18. Азизов А.А. — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, *Ўзбекистон ўқ отиш федерациясига масъул*
19. Мусаев Б.А. — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси в. б.
20. Тухтаев А.Х. — Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири
21. Иноятов У.И. — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, *Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси*
22. Кудбиев Ш.Д. — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
23. Хаджаев А.Д. — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в. б.
24. Санақулов Қ.С. — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, *Ўзбекистон сузиш федерацияси раиси*

| | | |
|---|---|---|
| 25. | Камилов А.Х. | — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири |
| 26. | Хайдаров А.Я. | — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| 27. | Ходжаев Б.А. | — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири |
| 28. | Маджидов И.У. | — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири |
| 29. | Шадманов А.К. | — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири |
| 30. | Ишметов Т.А. | — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари |
| 31. | Азимов М.Б. | — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси |
| 32. | Қосимов О.О. | — Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари |
| 33. | Мустафоев У.М. | — «Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси |
| 34. | Хакимов Б.И. | — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бош директории в. б. |
| 35. | Матчанов Ж.М. | — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби |
| 36. | Султанов Ш.Ф. | — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидаги Сертификациялаш ва компьютерлаштириш маркази директори |
| 37. | лавозимига кўра | — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари |
| 38. | Рафиков К.М. | — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси |
| 39. | Ниязов Р.С. | — «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси |
| 40. | Азимов Р.Р. | — «Дори-дармон» АК раиси в. б. |
| 41. | Жавлонов Ш.С. | — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси |
| 42. | Баязитов К.Ф. | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шўъба мудири, *Республика комиссияси котиби.* |

*Изоҳ: Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли вазифалар зиммасига юкланган шахслар унинг таркибига киритилади.*».

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 15 июндаги ПҚ–3057-сон қарорига 4-иловaнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Республикамизда йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Мирзаев З.Т. | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раҳбари* |
| 2. | Рафиқов К.М. | — Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, *Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари* |

| | | |
|---|---|---|
| 3. | Исроилов Ш.Х. | — Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири |
| 4. | Ғуломов Р.А. | — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси |
| 5. | Ахмаджонов У.М. | — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти |
| 6. | Маджидов И.У. | — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири |
| 7. | Азимов М.Б. | — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси |
| 8. | Фарманов А.К. | — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори |
| 9. | лавозими бўйича | — Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти Федерацияси раиси |
| 10. | лавозими бўйича | — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари |
| 11. | Тошов А.А. | — Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаменти шўъба мудири |
| 12. | Баязитов К.Ф. | — Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти шўъба мудири, Ишчи гуруҳ котиби. |

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига янгидан тайинланган ёхуд тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади».*

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3051-сон қарорига 2-илованинг рус тилидаги матни олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | |
|---|---|
| «Главный специалист по вопросам финансового и материально-технического обеспечения Министерства обороны, СГБ и пограничных войск Службы государственной безопасности Республики Узбекистан | 1 ». |

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги ПҚ–3126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тўғрисидаги низом 6-бандининг «г» кичик банди учинчи хатбошисидаги «Миллий» сўзи «Давлат» сўзи билан алмаштирилсин.

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3149-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Миллий» сўзи «Давлат» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 4-банди биринчи хатбошисидаги «Миллий» сўзи «Давлат» сўзи билан алмаштирилсин.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Регламентида:

а) 42-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Миллий» сўзи «Давлат» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

28-позициядаги «Миллий» сўзи «Давлат» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидагича мазмундаги $41^2$-позиция билан тўлдирилсин:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| « | $41^2$. | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги | | »; |

49-позиция чиқариб ташлансин.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида»ги 2017 йил 10 августдаги ПҚ–3196-сон қарорида:

а) 3-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 августдаги ПҚ–3197-сон қарорида:

а) номланишидаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти» сўзлари «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида» сўзлари «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи» сўзлари «Ўзбекистон

давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 11-банддаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг» сўзлари тегишинча «Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» ва «Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «Миллий» сўзи «Давлат» сўзи билан алмаштирилсин;

б) илованинг 3-бандидаги «Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси» сўзлари «Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ–3384-сон қарорининг 11-банди «олиб кириш» сўзларидан кейин «ва ўрнатиш» сўзлари билан тўлдирилсин.

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 декабрдаги ПҚ–3439-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «раиси» сўзи «раис ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сон қарорининг 10-бандида:

а) биринчи — тўртинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги биринчи — олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«10. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга ёғоч-тахта материаллари, том ёпиш учун темир листлар ва темир ясси прокатининг энг яхшиларини танлаб олиш натижалари бўйича тендер савдоларини ўтказмасдан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида экспертизадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқарувчилардан мустақил сотиб олиш ҳуқуқи берилсин.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ ёғоч-тахта, том ёпиш учун темир листлар ва темир ясси прокатини импорт қилишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) ҳамда:

янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш доирасида бош пудрат ташкилотларига ёғоч-тахта ва том ёпиш учун темир листларни;

Ўзбекистон асаларичилари уюшмасининг буюртмасига мувофиқ асала-

ри уялари ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ёғоч-тахта ва темир ясси прокатини реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ томонидан ёғоч-тахта материаллари, том ёпиш учун темир листлар ва темир ясси прокатини бош пудрат ташкилотларига, шунингдек Ўзбекистон асаларичилари уюшмасининг буюртмасига мувофиқ асалари уяларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиш рентабеллиги 5 фоиздан ошмаган нархда амалга оширилади».

б) бешинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПҚ–3507-сон қарорининг рус тилидаги матни 2-бандида:

а) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«финансирование проектов, включенных в государственные программы развития, по которым определены централизованные источники финансирования, осуществляется исключительно через Фонд финансирования государственных программ развития Республики Узбекистан при Кабинете Министров Республики Узбекистан (далее — Фонд) по решению Наблюдательного совета Фонда. Проекты, осуществляемые за счет средств Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан, иностранных займов и кредитов под гарантию Республики Узбекистан — в порядке, предусмотренном заемными соглашениями»;

б) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532-сон қарорида:

а) 14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати» сўзлари «Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг рус тилидаги матнида:

йигирманчи хатбоши чиқариб ташлансин;

йигирма биринчи — йигирма тўртинчи хатбошилар тегишинча йигирманчи — йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон қарорида рус тилидаги матнида:

а) 1-иловадан «Республиканская школа тренеров и судей по футболу» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловадан «Республиканская школа тренеров и судей по футболу» сўзлари чиқариб ташлансин.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 11 апрелдаги ПҚ—3662-сон қарорида:

а) 17-банднинг тўртинчи хатбошиси «белгиланган» сўзидан кейин «меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 18[1]-банд билан тўлдирилсин:

«18[1]. Мультимедиа марказининг замонавий телестудиясини ташкил этиш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган телевизион ускуналар жамланмаси, учувчисиз учиш аппаратлари, компьютер техникаси, дастурий таъминот ва бошқа техника воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин».

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашни кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 июлдаги Ф—1206-сон фармойишининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари, Давлат божхона қўмитаси гиёҳванд моддаларни республика ҳудудига олиб кириш йўлларини ўз вақтида аниқлаш, гиёҳванд моддаларни экиш ва аҳоли ўртасида тарқалиши ҳолларини олдини олиш юзасидан чораларни янада кучайтирсинлар».

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 19 апрелдаги Ф—2193-сон фармойишининг рус тилидаги матни 4-банди биринчи хатбошисидаги «национальной» сўзи «государственной» сўзи билан алмаштирилсин.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 14 февралдаги Ф—4849-сон фармойишига иловада:

а) ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) ўн иккинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча ўн биринчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 5 июндаги
ПФ–5456-сон Фармонига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 8 февралдаги ПФ–4952-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармонига 2-илованинг 17-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармонига 3-илованинг 8-банди ва 4-илованинг 6-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон қарорига 2-илованинг 12-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзтадбиркорэкспорт» акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 26 майдаги ПҚ–3009-сон қарорининг 9-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3220-сон қарорининг 5-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ–3326-сон қарорига илованинг 1-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 28 мартдаги Ф–5239-сон фармойишига илованинг 8 ва 17-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

## 471 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3545-сон, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2018 йил 23 февралдаги ПҚ–3560-сон, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3622-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2018 йил 28 майдаги ПҚ–3742-сон қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 7 июнь,
ПФ–5457-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 7 июндаги
ПФ–5457-сон Фармонига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПФ–3781-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 июнда эълон қилинган.

Фармонига 1-илованинг йигирма саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ризаев К.С. — Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар йилги «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 28 августдаги ПФ—3793-сон Фармонига 1-илованинг рус тилидаги матнининг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«По должности — главный специалист Информационно-аналитического департамента по вопросам образования, здравоохранения, физической культуры и спорта Кабинета Министров Республики Узбекистан».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 31 мартдаги ПФ—4996-сон Фармони 3-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси таркибига киради».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ—5185-сон Фармонига 4-иловада:

а) «Давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича йиғма гуруҳ таркиби» бўлимида:

8-банддан «экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-бандга «соҳа» сўзидан сўнг «экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин;

б) «Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 4-ишчи гуруҳ таркиби» бўлимининг 3 ва 10-бандларидан «экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) «Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 6-ишчи гуруҳ таркиби» бўлимининг 2-бандига «соҳа» сўзидан сўнг «экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги ПФ—5313-сон Фармонига 1-илова рус тилидаги матнининг 24-бандидан «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича комиссияларнинг янгиланган таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 21 февралдаги ПФ–5357-сон Фармонига 5-илованинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Абдухакимов А.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва туризм масалалари комплекси раҳбари».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ–718-сон қарорига 2-илованинг биринчи хатбошисидан «қишлоқ ва сув хўжалиги вазири» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 26 декабрдаги ПҚ–1023-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 2-илованинг тўртинчи хатбошисидан «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-илованинг 10-бандидан «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхати 1 ва 2-бандларидан «Ижро этувчи» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 январдаги ПҚ–2724-сон қарорига 5-илова рус тилидаги матнининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Махкамов И.Р. — заведующий ИАД по вопросам коммунальной сферы, экологии, охраны окружающей среды, транспорта, капитального строительства и стройиндустрии Кабинета Министров».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сон қарорига 2-илованинг рус тилидаги матни 6-бандидан «министр сельского и водного хозяйства» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятларини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 14 февралдаги ПҚ–2776-сон қарорига 2а-илова рус тилидаги матнининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махкамов И.Р. — заведующий ИАД по вопросам коммунальной сферы, экологии, охраны окружающей среды, транспорта, капитального строительства и стройиндустрии Кабинета Министров».

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2900-сон қарорининг 1-бандидаги «транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси» сўзлари «экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2910-сон қарорига 7-илованинг рус тилидаги матни учинчи хатбошисига «сферы» сўзидан сўнг «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари қўшилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2915-сон қарорининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибига киради».

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ–2922-сон қарорига 6-илова рус тилидаги матнининг учинчи хатбошисига «сферы» сўзидан сўнг «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари қўшилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 6 майдаги ПҚ–2960-сон қарорига 3-илова рус тилидаги матнининг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«по должности — заведующий ИАД Кабинета Министров по вопросам коммунальной сферы, экологии, охраны окружающей среды, транспорта, капитального строительства и стройиндустрии».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3003-сон қарорида:

а) 3-банддан «қишлоқ ва сув хўжалиги вазири» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1, 8 ва 9-иловаларнинг рус тилидаги матни биринчи хатбошиларидан «министр сельского и водного хозяйства» сўзлари чиқариб ташлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарорига 5-илова рус тилидаги матнининг биринчи хатбошисидан «министр сельского и водного хозяйства» сўзлари чиқариб ташлансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 июндаги ПҚ–3057-сон қарорига 4-иловада:

а) 1-банддан «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 12-банддан «экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3082-сон қарорига 1-илова рус тилидаги матнининг учинчи хатбошисидан «министр сельского и водного хозяйства» сўзлари чиқариб ташлансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Регламенти 59-банди учинчи хатбошисидаги «Ижро этувчи аппаратига» сўзлари «аппаратига» сўзи билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сон қарорига 1-илованинг «Масъул шахслар» устунидан «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси» сўзлари чиқариб ташлансин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-Фаза» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ–3282-сон қарорининг 5-бандидан «қишлоқ ва сув хўжалиги вазири» сўзлари чиқариб ташлансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ–3283-сон қарорининг 5-бандидан «қишлоқ ва сув хўжалиги вазири» сўзлари чиқариб ташлансин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзмелиомашлизинг» давлат унитар корхонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида» 2017 йил 6 октябрдаги ПҚ–3313-сон қарори 1-бандининг еттинчи хатбошисидан «қишлоқ ва сув хўжалиги вазири» сўзлари чиқариб ташлансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ–3416-сон қарорига 5-илованинг 4-бандидан «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири» сўзлари чиқариб ташлансин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018–2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ–3422-сон қарорига 2-илова рус тилидаги матнининг 3-бандига «сферы» сўзидан сўнг «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари қўшилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида» 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ–3437-сон қарорида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбари Жамғарманинг ижро этувчи директори ҳисобланади»;

б) 5-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарининг бошчилигида амалга оширилади»;

в) 1-илованинг рус тилидаги матнида:

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Координация всей работы по разработке, формированию и реализации концепций развития осуществляется Государственным комитетом Республики Узбекистан по инвестициям под руководством заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан — председателя Государственного комитета Республики Узбекистан по инвестициям — руководителя Комплекса по вопросам инвестиций, инновационного развития, координации деятельности свободных экономических и малых промышленных зон Кабинета Министров Республики Узбекистан»;

30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Координация всей работы по разработке, формированию и реализации государственных программ развития осуществляется Государственным комитетом Республики Узбекистан по инвестициям под руководством заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан — председателя Государственного комитета Республики Узбекистан по инвестициям — руководителя Комплекса по вопросам инвестиций, инновационного развития, координации деятельности свободных экономических и малых промышленных зон Кабинета Министров Республики Узбекистан».

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тебинбулоқ кони негизида кон-металлургия комплекси қурилиши» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш борасидаги ишларни ташкиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 12 январдаги ПҚ–3473-сон қарорига илованинг рус тилидаги матнининг йигирма еттинчи хатбошисига «сферы» сўзидан сўнг «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари қўшилсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПҚ–3509-сон қарорига 3-илова рус тилидаги матнининг 6-позицияси «Должность» бўлимидан «министр сельского и водного хозяйства» сўзлари чиқариб ташлансин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 мартдаги ПҚ–3589-сон қарорига 2-илованинг учинчи ва ўн бешинчи хатбошиларига «соҳа» сўзидан сўнг «экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш» сўзлари қўшилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» 2005 йил 28 февралдаги Ф–2146-сон фармойишининг рус тилидаги матнида:

а) 2-илованинг 14-банди ўн тўртинчи хатбошисидан «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-иловада:

9-банддан «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банднинг биринчи хатбошисидаги «здравоохранения, экологии, охраны окружающей среды, физической культуры и спорта» сўзлари «здравоохранения, физической культуры, спорта и туризма» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадан «экологии, охраны окружающей среды» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 472 Таркибида мис бўлган маҳсулотлар экспортини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Рақобатбардош бизнесни ривожлантириш, якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга кўмаклашиш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–3454-сон қарори қуйидаги мазмундаги $31^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$31^1$. ТИФ ТНнинг 74-гуруҳига мансуб мис маҳсулотларини чет эл валютасида экспортга реализация қилиш оборотига белгиланган ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади (бундан «Олмалиқ ТМК» АЖнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари мустасно)».

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкани қўллаш натижасида юзага келган салбий тафовутни қайтариш механизмини тартибга солиш юзасидан, ортиқча суммани ташкилотлар томонидан яратилган қўшилган қиймат улушига қараб ТИФ ТН кодлари гуруҳлари асосида қайтаришни назарда тутган ҳолда, Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ўзэлтехсаноат» АК корхоналари экспорти прогнозларини киритилаётган ўзгартишларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси таркибида мис бўлган маҳсулотлар экспортида уларнинг декларация қилинаётган товарларга мувофиқлиги устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

---

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 июнда эълон қилинган.

Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 4 июнь,
ПҚ–3768-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 473 «Навоий» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навоий вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат мулки бўлган объектлар ва ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, рақобатбардош янги замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу аснода ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг бандлик ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини 1-иловага мувофиқ «Навоий» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда — ЭИЗ деб аталади) ҳудудига киритиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида 2-иловага мувофиқ Навоий вилоятида кичик саноат зоналарини (кейинги ўринларда — КСЗ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор давлат бошқаруви органлари билан биргаликда фойдаланилмаётган тегишли ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларини ушбу қарорнинг 2-ило-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 июнда эълон қилинган.

васига мувофиқ бир ой муддатда Навоий вилояти ҳокимлигига белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

3. Белгилансинки:

КСЗ ҳудудидаги давлат кўчмас мулки тадбиркорлик субъектларига бизнес-режаларни бажариш, иш ўринларини яратиш ва сақлаш, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш шарти билан кейинчалик мулк ҳуқуқи тақдим этилган ҳолда 10 йиллик узоқ муддатли ижарага берилади;

КСЗ ҳудудидаги кўчмас давлат мулкидан ижара даврида фойдаланиш учун ижарага олинган майдонда амалга оширилаётган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда ортиб борадиган коэффициентни қўлламасдан ижара тўловининг энг кам ставкаси белгиланади;

КСЗ иштирокчиларига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ–3356-сон қарори билан ташкил этилган Навоий вилояти Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши томонидан қабул қилинади.

4. Навоий вилояти Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши бир ой муддатда КСЗ дирекциясини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Белгилансинки, КСЗ дирекцияси ва иштирокчиларига 2020 йилнинг 1 февралига қадар улар эгаллаб турган майдондан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган ер солиғининг белгиланган энг кам миқдоридан — уч баравардан кам бўлмаган ягона солиқ тўлови бўйича қонунчиликда назарда тутилган талаблар татбиқ этилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси КСЗ ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банклари орқали 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари икки ой муддатда белгиланган тартибда очилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит линияси маблағлари импорт ускуналар ва уларга бутловчи қисмлар харид қилиш учун ажратилади;

кредитларни сўндириш унинг жадвалига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитни узиш кунидаги курси бўйича миллий валютада амалга оширилиши мумкин.

8. Навоий вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда Навоий вилояти КСЗларини муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш юзасидан таклиф-

ларни уларни молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Навоий вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари билан биргаликда белгиланган тартибда:

**металл парчалари** — рангли ва қора металлар парчалари, чиқиндилари, таркибида рангли ёки қора металлар ва уларнинг қотишмалари мавжуд бўлган яроқсиз ҳолга келган ёки ўз истеъмол хусусиятларини йўқотган маҳсулотлар, товарлар, рангли ёки қора металлар ва уларнинг қотишмаларидан маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чиқиндилар, шунингдек, кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келган тўғрилаб бўлмас яроқсиз маҳсулот;

**тайёрлаш** — металл парчаларини сотиб олиш, саралаш, қайта ишлаш;

**парчаларни топширувчилар** — тайёрловчига металл парчаларини топшираётган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек, жисмоний шахслар;

**тайёрловчи** — «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ.

3. Металл парчалари мулкдорлари — юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида уларга эгалик қиладилар, фойдаланадилар ва тасарруф этадилар.

4. Келгуси йил учун республика ичида металл парчаларини тайёрлаш кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ билан ҳамкорликда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Келгуси йил учун таклифлар ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда берилиши таъминланади.

5. Рангли ва қора металларнинг парчалари, чиқиндилари билан муомала қилиш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Қора металларнинг парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш баланси ҳар йили белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

7. Рангли металларнинг парчалари ва чиқиндиларининг ҳосил бўлиши баланси ҳар йили белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳайъати томонидан тасдиқланади.

## 2-боб. Парчаларни топширувчилар томонидан металл парчаларининг етказиб берилиши

8. Парчаларни топширувчиларда ҳосил бўладиган металл парчалари эркин (шартномавий) нархларда ушбу Низомда белгиланган тартибда тайёрловчига топширилиши шарт.

Бунда ўзининг қуюв ва металл прокати ишлаб чиқаришлари бўлган ташкилотлар ўзларига тегишли металл парчаларини қайта ишлаш ҳуқуқига эга.

9. Парчаларни топширувчилар қуйидагиларни таъминлайдилар:

металл парчаларини йиғиш, сақлаш ва тайёрловчига етказиб бериш;

металл парчаларини ташиш, қайта ишлаш ва қайта қуйиш учун хавфсиз бўлган ҳолатда етказиб бериш.

Етказиб бериладиган металл парчалари ёнувчан-портловчан, кимёвий ва радиоактив материаллардан зарарсизлантирилган бўлиши лозим.

10. Тайёрловчига портловчан, кимёвий ифлосланган ва радиоактив металл парчаларини етказиб бериш тақиқланади.

11. Тайёрловчи металл парчалари мунтазам асосда ҳосил бўладиган парчаларни топширувчиларга бепул асосда, металл парчаларини йиғиш ва тайёрловчига етказиб бергунга қадар сақлаш учун контейнерлар, урналар, қутилар ва бошқа воситаларни вақтинча фойдаланишга беришга ҳақли.

12. Металл парчаларининг миқдори (оғирлиги) ва тавсифи тайёрловчи томонидан металл парчаларини қабул қилиш ҳолати бўйича тузиладиган қабул қилиш-топшириш далолатномаларида қайд қилинади.

13. Металл парчаларининг ҳисоби тайёрловчининг раҳбари томонидан тайинланган шахс томонидан юритилади.

14. Тайёрловчининг махсус қабул қилиш шахобчалари радиация назоратини ўтказиш учун зарур ускуналар билан таъминланиши шарт.

Тайёрловчи металл парчалари ҳар бир туркумининг радиация назоратидан ва кимёвий ва портлаш жиҳатидан хавфсизлик бўйича кириш назоратидан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминлашга мажбур.

Назорат тегишли тайёргарлик ва аттестациядан ўтган шахслар томонидан амалга оширилади.

15. Радиоактив, кимёвий ифлосланган ва портловчан металл парчалари аниқланган ҳолларда тайёрловчи зарур чораларни кўриш учун зудлик билан тегишли хизматларга белгиланган тартибда хабар беради.

## 3-боб. Юридик шахслардан металл парчаларини қабул қилиш

16. Юридик шахслардан металл парчаларини қабул қилиш тузилган шартномаларга асосан тайёрловчининг махсус қабул қилиш шахобчаларида, ҳар бир туркум бўйича брутто оғирлиги ва транспорт воситаси, идиши ва ифлосланганлиги ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган нетто оғирлиги бўйича амалга оширилади.

17. Тайёрловчи ва парчаларни топширувчи ўртасида тузиладиган шартномаларда металл парчаларини етказиб бериш ҳажмлари, турлари, муддатлари, тўлов шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлиги кўрсатилади.

Тайёрловчи юридик шахслар билан, уларга металл парчаларини йиғиш, сақлаш ва фақат тайёрловчига етказиб бериш ҳуқуқини берган ҳолда, металл парчаларини етказиб беришга шартномалар тузиш йўли билан металл парчаларини тайёрлашга ҳақли.

18. Парчаларнинг ҳар бир туркумига тайёрловчи томонидан белгиланган шаклда қабул қилиш-топшириш далолатномаси мажбурий тартибда тузилади. Далолатнома асосида парчаларни топширувчилар билан ўзаро ҳисоб-китоблар, шунингдек, олинган шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши мониторинги амалга оширилади.

Қабул қилиш-топшириш далолатномаси қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат бўлиб, ҳар бир шундай далолатнома муфассал рақамланади, ҳар бир варағи белгиланган тартибда рақамланган ва тикилган қабул қилиш-топшириш далолатномалари ҳисобга олиш дафтарида (кейинги ўринларда ҳисобга олиш дафтари деб аталади) қайд этилади.

19. Тайёрловчига транспорт воситасида етказиб бериладиган металл парчалари топшириш жойида миқдори ва сифати бўйича қабул қилинади, натижалари бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилади. Металл парчаларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси уч нусхада тузилади, уларнинг иккитаси тайёрловчида қолади, учинчиси эса парчаларни топширувчига берилади.

20. Металл парчалари темир йўл транспортида етказиб берилганда ҳар бир темир йўл вагонига (контейнерга), вагон (контейнер) келган кунни ҳисобга олмаган ҳолда вагон (контейнер) тайёрловчига келган пайтдан бошлаб икки суткадан кўп бўлмаган муддатда уч нусхада қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади.

21. Башарти тайёрловчида тушган металл парчаларининг сифати бўйича эътирозлар юзага келса, у ушбу металл парчаларини жавобгарлик остида сақлашга қабул қилади ва металл парчаларини қабул қилиш бўйича келишилган қарорни қабул қилиш учун парчаларни топширувчини ёки унинг вакилини чақиради.

## 4-боб. Жисмоний шахслардан металл парчаларини қабул қилиш

22. Тайёрловчининг аҳолидан металл парчалари қабул қилинадиган махсус шахобчаларида ҳаммага кўринадиган жойда қуйидаги ахборот кўрсатилган эълон осилган бўлиши лозим:

металл парчаларини қабул қилиш шартлари ва нархлари;

жисмоний шахслардан қабул қилиниши рухсат этилган металл парчалари турлари рўйхати.

23. Металл парчалари уларнинг ҳар бир туркумига тайёрловчи томонидан белгиланган шаклда қабул қилиш-топшириш далолатномаси мажбурий тартибда тузилган ҳолда қабул қилинади.

24. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси икки нусхада тузилади (биттаси металл парчаларини топшираётган шахсга берилади, иккинчиси тайёрловчида қолади).

25. Жисмоний шахслар билан ўзаро ҳисоб-китоблар қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида амалга оширилади.

26. Ҳар маротаба металл парчалари қабул қилинганда ҳисобга олиш дафтарига қуйидаги маълумотлар киритилади:

а) қабул қилиш-топшириш далолатномасининг рўйхат рақами;

б) металл парчаларини қабул қилиш санаси;

в) парча ва чиқиндиларни топшираётган шахс ҳақидаги маълумотлар;

г) қабул қилинган металл парчаларининг ГОСТга мувофиқ тури, русуми ва қисқача тавсифи;

д) металл парчаларининг портлаш хавфсизлиги ва радиация назоратлари маълумотлари, назоратни амалга оширган шахсларнинг имзоси остида;

е) қабул қилинган металл парчаларининг ифлосланганлиги фоизи;

ж) қабул қилинган металл парчаларининг оғирлиги ва қиймати;

з) дафтарга ёзув киритган шахс ҳақидаги маълумотлар ва имзоси.

27. Ҳисобга олиш дафтари ва қабул қилиш-топшириш далолатномалари металл парчаларининг қабул қилинганлиги тўғрисида охирги ёзув киритилган санадан бошлаб камида 5 йил мобайнида сақланади.

28. Қабул қилиш-топшириш далолатномаларининг ўз вақтида ва тўғри тузилиши, ҳисобга олиш дафтарига киритилганлиги, улардаги маълумотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги учун тайёрловчининг металл парчаларини қабул қилиш учун масъул бўлган ваколатли шахси жавоб беради.

29. Жисмоний шахслардан рангли ва қора металларнинг электр техникаси (кучланиш кабеллари, электр узатиш ва алоқа тармоқларининг ҳаво линиялари), саноат (қиринди, шлак, катализаторлар), ҳарбий аҳамиятга эга бўлган парча ва чиқиндиларини, шунингдек, темир йўл, ҳаракатдаги таркиблар ва авиация транспорти қисмларини сотиб олиш тақиқланади.

30. 16 ёшга тўлмаган шахслардан металл парчаларини қабул қилишга йўл қўйилмайди. 14 ёшдан 16 ёшгача жисмоний шахслардан металл парчаларини қабул қилишга уларнинг қонуний вакилларининг уларнинг паспор-

тига оид маълумотлар ва яшаш манзиллари кўрсатилган ёзма розилиги мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

## 5-боб. Металл парчалари учун ҳисоб-китоб қилиш

31. Қабул қилинган металл парчалари учун тўлов пул маблағлари билан бозор асосида аниқланадиган эркин (шартномавий) нархлар бўйича, юридик шахслар учун — нақдсиз шаклда, жисмоний шахслар учун — нақд шаклда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловнинг бошқа усулларида амалга оширилади.

32. «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ металл парчалари мунтазам асосда ҳосил бўладиган парчаларни топширувчиларга металл парчаларини топширишга фьючерс шартномалар бўйича олдиндан тўлов йўли билан белгиланган тартибда пул ўтказишга ҳақли.

## 6-боб. Тайёрловчи ва парчаларни топширувчининг жавобгарлиги

33. Ушбу Низом талабларини бузганлик, шу жумладан, металл парчаларини йўқ қилганлик ва бузганлик, ахлатхонага ва парчаларни топширувчига бириктирилмаган ҳудудга ташлаганлик, ноқонуний сотганлик учун парчаларни топширувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

34. Санкцияларнинг қўлланилиши металл парчаларини топширишдан озод этмайди.

35. Металл парчаларининг келиб чиқиши учун парчаларни топширувчи жавоб беради.

## 7-боб. Парчаларнинг ҳосил бўлиши мониторингини ташкил қилиш

36. Металл парчаларини тайёрлаш кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси томонидан амалга оширилади.

37. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар металл парчаларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши прогнозини белгилайдилар ва ҳар чоракда тегишли маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси олинган маълумотлар асосида ҳар чоракда ресурслар базасини таҳлил қилади ва металл парчалари айланиши оралиқ мониторингини амалга оширади, сўнгра таҳлилий маълумотларни республика ичида металл парчаларини тайёрлаш пара-

метрларини шакллантиришда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади.

38. «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ жойлардаги махсус қабул қилиш шохобчалари фаолиятини назорат қилади.

39. Рангли ва қора металлар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш соҳасида фаолиятни назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

идоравий мансуб хўжалик субъектлари юзасидан — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан;

ҳудудий бўйсунишдаги хўжалик субъектлари юзасидан — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

40. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Рангли ва қора металл парчалари,
чиқиндилари билан ишлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

## Рангли ва қора металлар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш
## СХЕМАСИ

| Босқичлар | Тадбирлар | Субъектлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Республикада металл парчаларини тайёрлаш параметрларини шакллантириш | Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ | Ҳар йили, 1 октябргача |
| 2-босқич | Рангли ва қора металларнинг парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш балансларини ишлаб чиқиш | Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ | белгиланган муддатларда |
| 3-босқич | 1. Қора металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш балансини келишиш ва тасдиқлаш<br>2. Рангли металлар парчалари, чиқиндилари ҳосил бўлиши балансини тасдиқлаш | 1. Вазирлар Маҳкамаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорини қабул қилиш).<br>2. Иқтисодиёт вазирлиги (ҳайъат қарори) | белгиланган муддатларда |
| 4-босқич | Металл парчаларини эркин (шартномавий) нархларда топшириш бўйича шартномалар тузиш | «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари | йил мобайнида |
| 5-босқич | Ўз металл парчаларини ишлатиш (қайта ишлаш) | Ўз қуйиш ва металл прокати ишлаб чиқаришларига эга бўлган ташкилотлар | йил мобайнида |

| Босқич-лар | Тадбирлар | Субъектлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 6-босқич | Металл парчаларини қабул қилиш | Ихтисослаштирилган қабул қилиш шохобчалари ва участкалари | йил мобайнида |
| 7-босқич | Металл парчалари учун ҳисоб-китоб қилиш | «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ | тузилган шартнома шартлари бўйича |
| 8-босқич | Парчалар ҳосил бўлиши устидан мониторинг олиб борилишини ташкил қилиш | Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ | йил мобайнида |
| 9-босқич | Металл парчаларини тайёрлаш параметрлари-нинг бажарилиши устидан назорат қилиш | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёнилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси | ҳар ойда |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 6 июндаги 425-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Жисмоний шахслардан қабул қилишга рухсат этилган маиший мақсаддаги рангли металлар парчалари ва РЎЙХАТИ

| | |
|---|---|
| 1. | Автотранспорт аккумуляторлари ва автотранспорт техникасига эҳтиёт қисмлар |
| 2. | Алюминий бидон, фляга, канистрлар |
| 3. | Алюминий қайиқлар |
| 4. | Алюминий деразa ва эшиклар |
| 5. | Чанғилар учун алюминий таёқлар ва қайишлар |
| 6. | Алюминий спиннинг ва ғалтаклар (катушки) |
| 7. | Антенналар |
| 8. | Барелефлар |
| 9. | Батарейкалар |
| 10. | Ички ёнув двигателларнинг блоклари ва дизелли двигателлар |
| 11. | Бра |
| 12. | Соқол олиш асбоблари |
| 13. | Маиший электр вентиляторлар |
| 14. | Вазалар |
| 15. | Ванналар |
| 16. | Илгаклар |
| 17. | Автомобиль ва трактор генераторлари, стартёрлари |
| 18. | Тарози тошлари |
| 19. | Газ горелкалари |
| 20. | Готовалнялар |
| 21. | Умумий фойдаланиш маиший асбобларининг деталлари |
| 22. | Газ колонкаларининг деталлари |

| | |
|---|---|
| 23. | Автомобиль, мотоцикл, мотороллер ва велосипедларнинг деталлари ва аксессуарлари |
| 24. | Чангютгичларнинг деталлари |
| 25. | Радиоаппаратура, телевизор, магнитофонларнинг деталлари |
| 26. | Совутгичларнинг деталлари |
| 27. | Болалар ўйинчоқлари |
| 28. | Човлилар (дуршлаг) |
| 29. | Аквалангистларнинг нафас олиш аксессуарлари |
| 30. | Ёндиргичлар |
| 31. | Қулфлар |
| 32. | Қозонлар |
| 33. | Чилчироқлар (канделябр) |
| 34. | Карнизлар |
| 35. | Кастрюллар |
| 36. | Керогаз |
| 37. | Калитлар |
| 38. | Сув иситиш колонкалари |
| 39. | Беркитиш ва қадоқлаш учун қалпоқчалар, тюбиклар, зарқоғоз (фолга) |
| 40. | Узуклар |
| 41. | Мебель халқалари |
| 42. | Тарозиларнинг шайини (коромисло) |
| 43. | Овқат пиширадиган қозонлар |
| 44. | Кофейниклар (қаҳва соладиган идиш) |
| 45. | Жўмраклар (кран, вентил), аралаштиргичлар (смесители) |
| 46. | Каравот, стол ва стуллар |
| 47. | Кружка, кўза, қумғонлар |
| 48. | Томлар |
| 49. | Ошхона ва овқатланиш анжомлари ва мебели, мебель фурнитураси |
| 50. | Лампалар (чироқлар) |
| 51. | Жездан ясалган блесналар |
| 52. | Чизгичлар |
| 53. | Қайиқ моторлари |
| 54. | Қандиллар |
| 55. | Маникюр аксессуарлари |
| 56. | Мебель безаклари |
| 57. | Қаҳва тегирмони |
| 58. | Металл галантерея |
| 59. | Болалар ва ногиронлар аравачаларининг металл қисмлари |
| 60. | Товоқлар |
| 61. | Мусиқа асбоблари ва чолғулари |
| 62. | Гўшт қиймалагичлар |
| 63. | Кавшарлагичлар (паялник) |
| 64. | Кавшарлаш лампалари (чироқлари) |
| 65. | Кулдонлар |
| 66. | Маиший печлар |

| | |
|---|---|
| 67. | Патнислар |
| 68. | Шамдонлар |
| 69. | Стакандонлар (подстаканник) |
| 70. | Автомобиль ва трактор поршенлари |
| 71. | Эшик, деразa ва печ анжомлари |
| 72. | Примуслар |
| 73. | Алюминийдан тайёрланган эшик, дераза ромлари, шунингдек, уларнинг чиқиндилари |
| 74. | Қулювгичлар |
| 75. | Самоварлар |
| 76. | Сантехника анжомлари |
| 77. | Газлантирилган сув учун сифонлар |
| 78. | Ҳайкалчалар |
| 79. | Шарикли ручка ва қаламларнинг стержен ва учлари |
| 80. | Ҳовончалар |
| 81. | Тоғоралар |
| 82. | Фонуслар (фонарлар) |
| 83. | Нон қолиплари |
| 84. | Электр ва маиший техника |

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 6 июндаги 425-сон қарорига
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш тартиби тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 49-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 8-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳукумат комиссияларини тузиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қарорига 1-илованинг 19-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ–419 сон қарори)» 2006 йил 15 сентябрдаги 197-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 37-38-сон, 379-модда).

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

### 477 Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-10***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига (рўйхат рақами 511, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 апрель,
16/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
28 апрелдаги 16/7-сон қарорига
ИЛОВА

## Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.1. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг — резидентлар ва норезидентларнинг талаб қилиб олинадиган хорижий валютадаги депозит ҳисобварақларини (кейинги ўринларда валюта ҳисобварақлари деб юритилади) юритиш қоидаларини белгилаб беради.

Валюта ҳисобварақларини очиш «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқнома»да (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) белгиланган тартибда амалга оширилади.».

2. 1.2-бандда «пластик тўлов ва кредит карточкаларидан» деган сўзлар «банк карталаридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1.7-банд қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банк мижозлари ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда берилади.».

4. 1.8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.8. Тижорат банклари омонатчиларга тузилган шартномаларга мувофиқ омонатларни сақланиши ва сўзсиз қайтарилиши бўйича зарур кафолатларни берадилар.»

5. 2.3-банднинг «е» кичик бандида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 3.2-бандда:

«б» кичик банднинг учинчи хатбошида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг иккинчи хатбошида «божхона» ва «ваколатли банк» деган сўзлар тегишлича «божхона органлари» ва «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 4.3-бандда:

«а» кичик банднинг тўртинчи хатбошида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) нақд хорижий валюта;».

8. 4.5-бандда:

«б» кичик банднинг учинчи хатбошида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳисобварақ эгаси хориждан олиб келган ва Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида божхона органларида рўйхатга олинган ёки ҳисобварақ эгаси учун тижорат банки номига қимматли жўнатма сифатида юборилган;»;

қуйидаги таҳрирдаги бешинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушган ва берилган;

банкомат (терминал) чеки асосида ҳисобварақ эгасининг банк картасидан ечилган;

тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда топилган;

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида банк ҳисобварағидан ечилган.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## 478 Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1839-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 28 июндаги 15/1-сонли қарори (рўйхат рақами 1839, 2008 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 293-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 апрель,
16/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
28 апрелдаги 16/6-сон қарорига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**валютавий своп операциялари бўйича банк мижозлари** (бун-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 июнда эълон қилинган.

дан кейинги ўринларда банк мижозлари деб юритилади) — тижорат банкларида чет эл валютасида талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига эга бўлган ва қонунчиликка мувофиқ жорий халқаро операцияларни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлардир;»;

учинчи, тўртинчи, олтинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича олтинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**своп битимининг базавий курси** — своп битими тузиладиган санадаги спот-курс. Сўм ва чет эл валютаси ёки икки чет эл валютаси ўртасидаги своп битимини тузишда своп битимининг базавий курси (спот-курс) томонларнинг ихтиёрига кўра эркин белгиланади;».

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Мазкур Низомга мувофиқ валютавий своп операцияси:

Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида;

тижорат банклари ўртасида ўзаро;

банк мижозлари ва тижорат банклари билан амалга оширилиши мумкин.».

3. 3-банддан «валюта позицияси тузилишини яхшилаш,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга оширишда чет эл валютаси сифатида уларнинг хоҳишига кўра исталган чет эл валюталаридан фойдаланилиши мумкин.».

5. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги, шунингдек тижорат банкларининг ўзаро валютавий своп операциялари Савдо тизимида тузилади ва бажарилади.».

6. 6, 7, 10, 29, 36, 37, 41 ва 47-бандлардаги ҳамда III боб номидаги «ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги валютавий своп операциялари Марказий банк ва тижорат банки ўртасида валютавий своп операцияларини ўтказиш бўйича тузилган Бош шартномага (бундан кейинги ўринларда Бош шартнома деб юритилади) мувофиқ ўтказилади.

Бош шартномада қонунчиликда кўзда тутилган бошқа шартлар билан бир қаторда, қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

своп битими тузиладиган икки асбобнинг номи;

Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида своп битимини амалга оширишнинг мажбурий шартлари;

Бош шартноманинг амал қилиш муддати.»

8. 28-бандда:

биринчи хатбошидаги ва «а» кичик банддаги «ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «ваколатли банкнинг» деган сўзлар «тижорат банкининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 30-банддаги «ваколатли банкларга» деган сўзлар «тижорат банкларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Валютавий своп операциялари бўйича харид қилинган чет эл валютаси фақатгина жорий халқаро операциялари бўйича амалга оширилаётган тўловлар учун сарфланиши мумкин.».

11. 35-бандда:

биринчи ва учинчи хатбошилардаги «ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилардаги «ваколатли банкларнинг» деган сўзлар «тижорат банкларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилардаги «ваколатли банкнинг» деган сўзлар «тижорат банкининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 40, 43 ва 44-бандлардаги «ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 1-иловада:

1-бўлимдаги «ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бўлимда:

«ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 479 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 980-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 4 июндаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Суд қарорлари бўйича давлат фойдасига мусодара қилинган хорижий валютани жисмоний шахсларга қайтариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани (рўйхат рақами 980, 2000 йил 20 октябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги АХ/13-3-36-21/222-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2000 йил 6 октябрда 110, 171-13, 2000-102-сон билан тасдиқланган Суд қарорлари бўйича давлат фойдасига мусодара қилинган хорижий валютани жисмоний шахсларга қайтариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 980, 2000 йил 20 октябрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 июнда эълон қилинган.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир** **Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 4 июнь,
312-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 480 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1483-1***

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 6 июндаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «2005 йилда юкларни транспортда ташиш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1483, 2005 йил 27 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 4 майдаги ДС/13-2-32-47-210/1163-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 июнда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июндаги 53, 264-В-сон «2005 йилда юкларни транспортда ташиш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1483, 2005 йил 27 июнь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир** **Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 4 июнь,
313-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 481 Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2508-1***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 17 сентябрдаги 43, 78 ва 01/19-26/11-сон қарори (рўйхат рақами 2508, 2013 йил 17 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 498-модда) билан тасдиқланган Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 16 апрель,
11-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 июнда эълон қилинган.

**Молия вазири** **Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 16 апрель,
77-сон

**Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси** **Р. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 16 апрель,
01/15-1-10/19-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2018 йил 16 апрелдаги
11, 77 ва 01/15-1-10/19-сон қарорига
ИЛОВА

## Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, суюлтирилган газни товар хом ашё биржалари (бундан буён матнда Биржа деб юритилади) томонидан ўтказиладиган биржа савдоларида сотиш тартибини белгилайди».

2. 6-банддаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 13-банддаги «лицензиясининг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этади» деган сўзлар «лицензиясининг асл нусхасини тақдим этади, брокер лицензиядан нусха олиб, асл нусхасини қайтариб беради» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 32 ва 33-бандлардаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмита-

сига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «ЎзРТХБ» АЖ билан келишилган.

***Марказий банк раиси*** ***М. НУРМУРАТОВ***

*2018 йил 16 апрель*

***«Ўздавнефтгазинспекция» бошлиғи*** ***Н. АГЗАМОВ***

*2018 йил 16 апрель*

***«Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқарув раиси*** ***А. СУЛТОНОВ***

*2018 йил 16 апрель*

***«ЎзРТХБ» АЖ бошқарув раиси в. в. б.*** ***Ф. ИБРАГИМОВ***

*2018 йил 16 апрель*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 482 Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 17 майдаги 01/19-18/02-сон қарори (рўйхат рақами 2236, 2011 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 24-сон, 252-модда) билан тасдиқланган Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «ҳар йили» деган сўзлар «ҳар уч йилда камида бир марта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Р. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 18 май,
01/19-10/22-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 июнда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 2 июндан 8 июнгача бўлган маълумотни маълум қилади**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/7-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-10.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1839-2.***

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 4 июндаги 312-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 980-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 4 июндаги 313-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1483-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 16 апрелдаги 11, 77, 01/15-1-10/19-сон, «Биржа савдоларида суюлтирилган газни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2508-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 18 майдаги 01/19-10/22-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори

***2018 йил 5 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-4.***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг Суд қарорлари бўйича давлат фойдасига мусодара қилинган хорижий валютани жисмоний шахсларга қайтариш тартиби тўғрисидаги йўриқномаси (рўйхат рақами 980, 2000 йил 20 октябрь).

***Адлия вазирининг 2018 йил 4 июндаги 312-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг «2005 йилда юкларни транспортда ташиш учун Ўзбекистон Республикаси ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1483, 2005 йил 27 июнь).

***Адлия вазирининг 2018 йил 4 июндаги 313-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**